

9

май –

Хотира ва
қадрлаш
куниYURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
9-may,
shanba
№55
(5275)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

МИЛЛИЙ БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК –
ЭНГ КАТТА КУЧ, ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

«Бугунги гоёт таҳликали замоннинг ўзи барчамиздан жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳитини янада қадрлаб яшашни талаб этмоқда.

Ҳеч қачон унутмайлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик – бизнинг бебаҳо бойлигимиз, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг мустаҳкам асосидир».

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Хотира ва қадрлаш кунини
муносабати билан Ўзбекистон
халқига йўлаган табригидан.

Табрикнинг
тўлиқ матнини
ўқиш учун
қуйидаги
ҳаволага ўтинг:



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май кунини пойтахтимиздаги Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Президентимиз «Матонат мадҳияси» ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари «Миллат фидойилари» хиёбонида ҳам бўлиб, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу кунини Президентимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини зиёрат қилиб, байрам билан табриклади.



Давлатимиз раҳбарининг
пойтахтимиздаги
Ғалаба боғига ташрифи
тафсилотлари билан
танишинг:



Маънавий-маърифий дастур

КЕЛАЖАКНИ ЁРИТУВЧИ НУР

Учрашув

«Чинобод» санаторий-сида Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан мазкур даргоҳда узоқ йиллар сидқидилдан меҳнат қилган, санаторий ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар учун кўнгилочар дастурлар ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

ШУКРОНАЛИК ШУКУҲИ

Тадбир бошланиши биланок оркестр садолари янграб, дилларга илиқлик улашди. Гўё мусиқа оҳанглари йиллар қатини арақлаб, ўтмиш хотираларини яна бир бор эслатди. Санъаткорларнинг қўшиқлари эса нурунийлар чехрасига табассум, кўнгилларига қувонч улашди.

Спорт мусобақалари ҳам даврага алоҳида руҳ бағишлади. Ёши улғў бўлса-да, ҳаётта чанқоқ ва матонатли инсонларнинг шижоати ёшларга ўрнак бўлди. Уларнинг ҳар бир ҳаракатида сабр, ирода ва ҳаёт мактаби мужассам эди.

Хайрлашув арасида фахрийларга эсдалик совғалари улашилди.

Диёра
РАВШАНОВА
«ISHONCH»



9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ҳар йили юртимизда турли тадбирлар уюштирилмоқда. Бу сана тарихий аҳамият касб этиши билан бир қаторда, халқимиз учун сабоқ, ибрат ва шукроналик тимсолига айланган. Ушбу кунда биз тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига янада кўпроқ етамиз. Бу кунларни орзу қилиб, шу йўлда жон фидо қилган аждодларимизни ёд етамиз, ҳақларига дуо қиламиз.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Қалдирғоч» болалар студияси томонидан ташкил этилган маънавий-маърифий концерт дастурида машғум уруш йилларида жасорат кўрсатган ота-боболаримиз

ва оналаримизнинг матонати саҳнада жонланди.

Касаба уюшмалари саройида бўлиб ўтган бу тантанادا фаоллар, фахрийлар, жамоатчилик вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар. Тадбир доирасида кўргазма ташкил қилинди. Унда сарой қошидаги тўғарақларда таҳсил олаётган ёш ижодкорларнинг расмлари ва қўл меҳнати намуналари намоиш этилди. Тинчлик ва осойишталикни ўзида акс эттирган ижодий ишлар кўргазманинг энг таъсирли қисмига айланди. Болалар асарларида мусаффо осмон, бахтли болалик юрт тинчлиги ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат билан ифода этилган.

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимларнинг бирида «Буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада

чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур», деган эди, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси Ҳаётжон Шарипов. – Президентимизнинг ушбу фикрларида катта маъно бор. Ҳар бири-миз ушбу панд-насихатларга амал қилиб яшамоғимиз лозим. Концерт дастурини томоша қиларканман,



саҳнада халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик жасорати болажонларимиз томонидан моҳирлик ва ҳассослик билан ижро этилганига гувоҳ бўлдим. Очиғи, қаттиқ таъсирландим, кўзларимга ёш келди.

– Дастур давомида халқимизнинг меҳр-оқибатини, бағрикенглиги ва инсонпарварлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик, – дейди бош режисёр Руслан Шерезданов. – Ҳар бир му-сиқий чиқиш, саҳнавий композиция

ва видеолава томошабинларга манзур бўлганидан хурсандим.

Айниқса, Зулфия Зокирова хотирасига бағишлаб саҳналаштирилган композиция ҳаммага бирдек манзур бўлди. Маълумотларга кўра, бундай фожiali қисмат беларуслик ва АҚШлик оиланинг ҳам бошига тушган.

Тадбирни тайёрлашда фаол иштирок этган бадий раҳбарлардан бири Аслиддин Дўстов концертнинг мазмунини ва аҳамиятини ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

– Ҳар бир чиқишимиз мазмунли ва таъсирчан бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлар бугунги

тинч ва фаровон ҳаёт ортида катта жасорат ва қурбонликлар борлигини англаши зарур. Санъат эса бундай туйғуларни қалбларга етказишда энг таъсирчан воситалардан биридир, – деди у.

Маросим болажонлар мадҳиясига айланган «Ўзбекистон – она диёрим» қўшиғи билан поёнига етди.

Феруза РАҲИМОВА,
Эъзога УМРЗОҚОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари



www.ishonch.uz

www.//

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official




**Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.**
Алишер Навоий

Халқаро ҳамкорлик

Ёдном

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон касаб



яқиндан танишиб, икки томонлама ва минтақа-
лараро алоқаларни ривожлантириш юзасидан
ўз тақлифларини билдиришди.

Мулоқот асоси айтиб ўтилганидек, икки
мамлакат касаб

Бугунги мураккаб шароитда халқларимиз
ўртасида ўзаро ишонч ва тўғридан-тўғри му-
лоқотни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб
этомқда. Бу касаб

Бундай давомиди делегация аъзолари Мар-
казий Осиё мамлакатлари касаб уюшмалари
Конфедерациясининг бош қароргоҳи билан

бугунги кунда меҳнат аҳли учун муносиб кела-
жакни биргаликда барпо этишимизга хизмат
қилмоқда.

Тадбир давомиди минтақавий ҳамкорлик, кас-
аб

Ўз навбатида, Ўзбекистон касаб уюшмалари
Федерацияси раиси ўринбосари Халқаро касаб

Самимий руҳда ўтган мулоқот нафақат икки
томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш,
балки касаб

**Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА,
Эъзоза УМРЗОҚОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари**

Эзгу иш, эзгу амал, яхши инсонлар авлодлар хотирасида мангуга яшайди. Қашқа-
дарё вилоятида ҳам кўп йиллар касаб уюшмалари тизимида самарали фаолият
юритган, воҳанинг фидойи фарзанди Эсонбой Ражабовнинг номи унутилмайди. 9
май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Касби туманидаги 26-умумтаълим макта-
бида унинг номи билан аталадиган музей очилди.

ЭСОНБОЙ РАЖАБОВ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Эсонбой Ражабов 1989-
2020 йилларда вилоят
касаб уюшма ташки-
лотлари бирлашмаси кен-
гашининг раиси, кейин
эса умрининг охирига қа-
дар маслаҳатчи лавозим-
ларида меҳнат қилган.

1961 йилда Қарши дав-
лат педагогика институ-
тини, 1965 йилда Тошкент
давлат университетини
тамомлаган. 1985 йилда
Тошкент олий партия мак-
табида таҳсил олган. 1988
йилда эса Тошкент ирри-
гация ва қишлоқ ҳўжали-
гини механизациялашти-
риш мухандислари инсти-
тутини сиртдан битирган.
У математик, сиёсатшу-
нос, муҳандис-гидротех-
ник мутахассисликларига
эга эди. Иш фаолиятини
дастлаб ўзи туғилиб ўсган
Касби туманидаги жамоа
ҳўжалигида ишчилик-
дан бошлади. Кейинчалик
эса Қарши давлат педаго-
гика институтини, вилоят
ёшлар ташкилотига турли
лавозимларда фаолият
юритди.

«Қаршистрой» бошқар-
масининг Бирлашган кас-
аб уюшмаси кўмитаси
раислигига сайланган,
минг-минглаб меҳнат-
кашлар тақдирига бево-
сита дахлдор ва жавобгар
инсонга айланди. Вилоят



касаб уюшма ташкилот-
лари бирлашмаси кен-
гаши раиси сифатида эса
ҳар бир тармоқда «Устоз
– шогирд» анъанасини
йўлга қўйиб, катта мактаб
яратди.

Эсонбой Ражабов
умрининг сўнгги йилла-
рида ҳам Ўзбекистон кас-
аб уюшмалари Феде-
рациясининг Қашқадарё
вилояти кенгаши раиси
маслаҳатчиси сифатида
эл-юрт равнақи, ходим-
лар манфаати учун қай-
ғурди. Ватанини севган,
чуқур инсоний фазилат-
лари, меҳрибонлиги, бар-
чага тўғри йўл кўрсатиши
туфайли «устоз», «оқ-
соқол», «қайвони», «раис
бува» мақомларини олди.
Фидокорона хизматлари
«Шухрат» медали, «Фидо-

корона хизматлари учун»,
«Эл-юрт ҳурмати», «Дўст-
лик» орденлари, «Ўзбе-
кистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси» фахрий ун-
вони билан тақдирланди.
2024 йил 18 сентябрь куни
вафот этди.

Устоз таваллудининг 85
йиллиги муносабати би-
лан ташкил этилган му-
зейнинг очилиш маро-
симида вилоят ҳокими
Муроджон Азимов, Ўзбе-
кистон касаб уюшмалари
Федерациясининг Қашқа-
дарё вилояти кенгаши ра-
иси Бахтиёр Жўраев, Эсон-
бой Ражабовнинг дўст-
лари, қариндошлари ва
фахрийлар иштирок этди.

**Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»**

Спартакиада

МАЙДОНДА АЛОҚАЧИЛАР

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Наманган фи-
лиали касаб уюшмаси кўмитаси 7 май – Алоқачилар куни
ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Спорт –
саломатлик гарови» шиори остида спартакиада ўтказди.



Кизгин беллашувларда
қарийб 80 нафар хо-
дим, шунингдек, соҳа
фахрийларидан иборат жа-
моалар иштирок этди. Бу тад-
бирга янада кўтаринкилик ва
самимият бағишлади.

Стол тенниси, шахмат ва
шашка бўйича спорт мусо-
бақалари мурасасиз кечди.
Ҳар бир йўналиш бўйича го-
либлар аниқланиб, эсда-
лик совғалари тантанали ра-
вишда топширилди.

– Бундай мусобақалар жа-
моамиз учун жуда муҳим, –
дейди «Ўзбектелеком» ак-
циядорлик компанияси
Шарқий филиали директо-
рининг биринчи ўринбо-
сари Олимжон Тожибоев. –
Биринчидан, у соғлом тур-
муш тарзини тарғиб қилади,
иккинчидан, ходимлар ўр-

тасидаги ҳамжиҳатликни
янада мустаҳкамлайди.
Шунингдек, фахрийлари-
миз билан бирга иштирок
этиш биз учун алоҳида фахр
бағишлади. Уларнинг ҳаё-
тий тажрибаси ва самимий
маслаҳатлари катта руҳий
куч беради. Келгусида бун-
дай тадбирларни янада
кўпроқ ўтказишни режа-
лаштиряпмиз.

Тадбир сўнггида барча
иштирокчилар учун тўкин
дастурхон ёзилди, дўстона
мулоқот ва самимий суҳбат-
лар давом этди.

**Бахтиёр ТУРДИЕВ,
«Ўзбектелеком»
акциядорлик жамияти
Наманган филиали
касба уюшмаси
кўмитаси раиси**



Ватан озодлиги ва
тинчлиги йўлида
жонини фидо қилган
аждодларимиз
хотираси мангу
қалбимизда. Бугунги
осуда ҳаётимиз учун
фахрийларимизга
чексиз эҳтиром
изҳор этамиз!



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

9 май –

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан
самимий муборакбод этади.



Хизматлар лицензияланган.

Хар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

Абу Райҳон Беруний



ЕНГИЛМАС

Бундан чорак аср аввал... Тўрт томони гуллар билан ўралган жаннатмонанд Каттакўрғон шаҳрининг кунчиқар томонидаги «Чинобод» маҳалласида Сабоҳат опа ва Абдулла ака Барноевлар оиласи яшар эди. Оиланинг катта ўғли Улуғбек ҳар куни мактабга кетаётганида уйлари ёнидаги темирйўлдан ўтарди. Шунда ҳаёлига отасининг айтган гаплари келарди: «Бу темирйўлдан ўтаётган поездлар Сурхондарё томонларга боради». Улуғбек Сурхондарёни мард ва баҳодир Алпомиш юрти, деб эшитган. У ўша афсонавий юртни бўришни, бамисоли Алпомишдек бўлишни оруз қилар эди.

Улуғбек жисмонан соғлом, бакуват бўлиб камол топди. Мактаблараро спорт мусобақаларида қатнашиб, бир неча бор шаҳар чемпиони бўлди. Қўл жанги спорт тури бўйича вилоят мусобақаларида бир неча марта биринчи ўринни эгаллади. Мактабни битирган, Каттакўрғон шаҳридаги касб-хунар билим юртига ўқишга кирди. Спортга меҳри баландлиги сабаб мусобақаларда фаол қатнашди. Ютуқлари янада кўпайди. Энди орузси бутун мамлакат – Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш, юрт байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтариш эди. «Ўзбекистон байроғи – дунёдаги энг чиройли байроқ!» дея ич-ичидан фахрланарди...

Билим юртини тугатгач, ҳарбий хизматга қақирилди. Шарафли бурчини болалигида боришни оруз қилган жойи – Сурхондарёда ўтади. Ҳарбий хизматдан сўнг яна шу ерда қолишни мақсад қилди. У мураккаб жангавор топшириқларни бажарувчи махсус операциялар батальонига қабул қилинди. Энг бакуват ўғлонлар саралаб олинадиган батальонда сафдошлари билан тезда дўсту қадрдон бўлиб кетди. Машгулотларда бир-бирининг отини эмас, чапдастлиги, чаққонлиги, хушёрлигига қараб, «Йўлбарс», «Бургут», «Чақмоқ» деб қақирарди. Улуғбекни барча бирдек «Енгилмас» деб атарди. Бу ном унга ҳеч қачон кураги ерга тегмагани учун берилган эди.

Улуғбек Сариев тоғ тизмаларида Мудофаа вазирлигининг ёвқур йигитлари билан биргаликда чегараларимиз дахлсизлигини қалқон бўлиб қўриқлаётган мардлардан эди. Улар енгилмас, шитир этиб, ерга тушган япроқ товушларини эшитувчи хушёр, шамолдан тез югурувчи сиртлондек чаққон, ортга қайтмас арслондек бўлиб, юрт чегараларида собит турар-

дилар. Барчаси Ватан чегараларини қўриқлаётганидан ғурурланишарди. 2000 йилнинг августи... Улуғбек бу ойни яхши кўрарди. Серҳосил боғлар оқ тонгларда сархил меваларини бозорларга тўккан баракали кунлар. Айниқса, «Каттакўрғон маскаси» деб оламга доғруғ солган узум нави олтиндек товланиб, ишқомлардан бол каби томай-томай, деб туради. У шу узумларни соғинган ва сафдошларига оғзидан бол томиб мактаб юрар, «Уйдагилар эрта-индин узум олиб келишди, сизларга улашаман», дер эди. Ана шундай ҳаяжонли кунларда – мамлакатимиз мустақиллик байрамини ўтказиш учун қизгин тайёрларик кўраётган, болалар янги ўқув йилига ҳозирланаётган дамларда жанубдаги чегараларимизга манфур душман – террорчилар тўдаси ҳужум қилди. Босқинчиларнинг ёвуз мақсади ҳалол ва мард ҳалқимизнинг бошига қора кунларни солиб, боғу бўстонларимиз, ғаллазорлару пахтазорларимизни пайхон қилиб, шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон этиб, мактабларимиз ва боғчаларимиз кулини қўкка совуриб, сарҳадларимизни эгаллаб олиш эди.

Аммо душман билмасдики, Ўзбекистон чегараларини кўрқмас, жасур, енгилмас ҳарбийлар, сержант Улуғбек Барноевдек алплар қўриқлаб турарди.

Хотира

Жангарилар ўша вақтда Сариевнинг тоғли ҳудудларидаги 5 та қишлоқни эгаллаб олишга ҳаракат қилди. Тунда жанглар бошланди. Бизнинг йигитлар қоядан-қояга қоплондек сакраб, душман пистирмаларини яксон қила бошлашди. Йигитлар «илон»нинг бошини янчдилар. Махсус батальон аниқ ва тезкор, шиддатли ҳаракатлар билан 5 та қишлоқни ҳам озод этди. Аммо ҳали пистирмада душман таркиби бор эди. Жон талвасасида отилган ўқлардан бири сержант Улуғбек Барноевнинг кўксига тегди. «Енгилмас» бундан эсанкираб қолмади. Душман томон ўқ ёмғирларини ёғдиришни давом эттирди. Бир неча жойда гимираётган ёвузларнинг уни ўчди. ...Афсуски, шу онда Улуғбек ҳам мувоzanатини йўқота бошлади. У қўп қон йўқотган эди. Аммо йиқилмади, дўстлари суяб қолишди. «Енгилмас, биз ёнингдамиз, кўзингни оч, жўражон!» – деган овозларни эшитди у. Кўксига қаттиқ оғриқ сезса-да, «Душман батамом йўқ қилинди!», деди марғур.

Дўстлари уни баланд қоя остига олиб келишди. У эса «Ўзбекистон байроғи қани?» дея шивирлади. Унга юрт байроғини кўрсатишди. Улуғбек титроқлаблар билан «Биз енгдик!», деди ва аста майин жилмади... «Ҳа, биз енгдик, сен енгдинг Улуғбек! Чунки сен «Енгилмассан!», дейишди сафдошлари бунга жавобан елкалари силкиниб титраганича...

Ҳар сафар Каттакўрғон шаҳрига борганимда, Улуғбек Барноев номидаги кўчадан ўтаман. Гулларга бурканган кўча бошида сержант Улуғбек Барноевнинг кўксига «Жасорат» медали қадалган сурати бор. Бу кўчадан ҳар тонг болалар Улуғбек ўқиган 16-умумтаълим мактабига боришади. Ўқув масканида Улуғбек Барноевнинг бюсти ўрнатилган. Таълим даргоҳи дарвозасида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди. Байроқ ҳар сафар шамолда ҳилпираганда кимдир «Енгилмас, Енгилмас!» дея шивирлагандек бўлади...

Зулфия МҶМИНОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими



Қадр

АСР ҲИКОЯЛАРИ 103 ёшли Анажон она ҳузурида

Китоб жавонига яқинлашган ҳам эдимки, қўл телефоним жириглади. Дугонам, ижодкор аёл Қурбонбика Ўрозметова билан узоқ суҳбат қурдик. Икковлон эртага урганчлик кекса онахоннинг қоридан хабар олишга келишиб, гўшақни жойига қўйдим.

Анажон ана (буви) Аҳмедова шаҳар марказида истикомат қилар экан. Биз билан юмшоқ ўриндикда ўтириб, ўзи мустақил овқатланди, чой ичди. Таомланиб бўлгач, ён дафтарчамни очиб ёзишга шайландим. Онахон бисотида биз билмайдиган, эслашга аргизулик, қўпчиликка ибрат бўларли хотиралар бўлиши табиий. У 1923 йили Қорақалпоғистонда таваллуд топган. Афсуски, момонинг паспортда туғилган санаси қайд этилмаган. 14 ёшдан 16 ёшгача колхозда ишлаган. 1937 йили бошланган қатагон дахшатларига ҳам, Иккинчи жаҳон урушининг азоб-уқубатларига ҳам гувоҳ бўлган.

У шу тарика икки йилча колхоз даласида қишнинг аёзли, ёзининг жазирама кунларида меҳнат қилади. Матлум муддат қўриқлаш хизматида ҳам ишлайди. Кейинчалик почта – алоқа бўлимига ишга ўтиб, ўша ерда то пенсияга чиққунча фаолиятини давом эттиради. Кўзи ёшланган онахон ўтмишни қийналиб эсларди. Ахир осонми, 80-90 йил бурунги воқеаларни ёдга олиш?! – На бир оғир замонларни, қоттичилик (қийинчилик)ни, уруш йилларидаги дахшатли қаҳатчиликни, очликдан кунжара еб шишиб ўлганларни ўз кўзим билан кўрганман, болам, – деди ҳазин ўйларга толиб. – Саккиз ёш эдим, чамаси. Бир кунни отамни қамаб қўйишди. Ҳукумат отамнинг 1000 бош қўйини мусодара қилиб, атиги 8 тасини ўзимизда қолдирди. Айтганча, отамнинг исми Аҳмадбой, онамники Шарофат эди. Отам жуда маърифатпарвар, тадбирли киши бўлган. Мен 6-синфгача мактабда ўқидим. Ёдимда, қишнинг совуғида пахтали гуппи (фу-файка) билан жон сақлардик. У замоннинг киши суяқдан ўтадиган даражада совуқ бўларди, болам. Ҳунармандлар тиккан қўлбола кавушларни кўзимизга суртиб киярдик. Онам 107 ёшида оламдан ўтган, раҳматли чалпак, буламик (атала) пиширишга уста эди.

Суҳбатнинг давомини Анажон бувининг қаровчиси – невараси Акжон Примова билан давом эттирдим. Унинг айтишича, 16 ёшида урганчлик Хударган Худойбергановга турмушга чиққан Анажон ана 8 фарзандни дунёга келтирган. Ҳозир улардан 3 нафаригина ҳаёт. Иброҳим 80, Гулбаҳор 70, кенжатай Фотима 65 ёшдан ошган.

– Унни уйга яширинча олиб келардик. У асосан макка, жўхори уни бўларди. Бугдони уни отликқа ҳам йўқ эди, деб кўп гапириб бераркан, бобом, – дея суҳбатга қўшилади яна бир невра Жабборган Примов.

– Айтганча, ёдимга тушди, келинлик уйимга мени от-аравада олиб боришган, – деди онахон бир вақт. – Берунийдан Урганча доғру йўл босганмиз. Бисотимда 3 дона қўйлақ бор эди. Улар оддий мато – бўздан тикилганди. Рўзгоримизда бор-йўғи 1 дона кўрпа-тўшақ, 2 та кўрпача, 1 тадан чойнак-пиёла бўлган. Шунгайм шукур қилардик. Яна бир гап. Биз олти келин бир ҳовлида яшаганмиз. Биримизнинг боламиз йилгаса, бошқамиз қараб турмасдик. Қўлимизга олиб овутиб кетаверар эдик. Узоқ йил бирга ҳаёт кечириб, ҳеч қачон сан-манга бормаганмиз. Биримиз хамир қорсақ, биримиз нон ёпар, биримиз сигир соғсақ, биримиз овқат қилардик. Балки шундандир, уйимизда файз-барака бор эди. Хоналарга экан (бўйра) тўшалар, қиш кунлари кунгура печга кўмир ёқиб иситиларди. Уйлар ҳам шунга монанд кичкина, шифтлари пастаккина бўларди. Қишда уйимиз иссиқ бўлиб, егани нонимиз бўлса, қора қозонимиз қайнаб турса, шунинг биз ўзи биз учун катта давлат эди, болам.

Нур юзди онахоннинг гапларини тинглар эканман, дангиллама уйларда яшаб, қимматбаҳо машиналарга, ҳисобсиз бойликка эга бўлиб ҳам шуқурни билмайдиган, ўзини бахтсиз ҳис қиладиган инсонлар ҳақида ўйладим.

Менга қолса, Анажон ананинг узоқ ва бахтли ҳаёт кечириётгани сабабини унинг руҳий ҳолати билан боғлаган бўлар эдим. Инчунин, руҳий хотиржамлик, қалбни покиза сақлаш узоқ умр қўриш гаровидир. Шу ёшдаям музқаймоқни хуш қўриб ейдиган онахонга чин дилдан ҳавас қилдим. Бир донишманд таъбирича, «Соғлом одам табиатининг энг бебаҳо асаридир».

Сайёра СОЛАЕВА, журналист

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши жамоалари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Байбосынова Лизахан Алламбергеновна вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Кенгашнинг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими mudiri Давлат Муҳаммад-Бегзод Алишер ўғли вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«БИЛДИМКИ, БАРИДАН УЛУҒИМ ЎЗИНГ...»



МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛАР ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ХАМКОРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ, «ЮРАГИМГА КИРИБ КЕЛГАН БАҲОР» НОМЛИ КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТДИ. УНДА АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИ, ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАР, ЁШ ИЖОДҚОРЛАР ВА ТАЛАБА-ЁШЛАР ҚАТНАШДИЛАР.

Тадбирда сўзга чиққанлар Муҳаммад Юсуф ижодида алоҳида тўхталиб, шеърларида ҳалқимизнинг орзу-интилишлари, армонлари, эртанги кунга ишончи ва меҳр-муҳаббатни ишонарли тасвирланганини қайд этдилар. – Муҳаммад Юсуфнинг серқирра ва бетакрор ижоди улкан тарбиявий аҳамиятга эга, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Ҳожиматов. – Шеърлари соддалиги, мазмунли халқ ҳаёти ва кечинмаларига яқинлиги билан қалбларга тез етиб боради. Ана шу самимият ва халқчилик шоир ижодини юртдошларимиз учун янада қадрли қилган. Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассо-

циациясининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Фаррух Ражабов сўзга чиқиб, Муҳаммад Юсуф номидаги жамоат фонднинг ёшлар тарбияси ва адабий меросни тарғиб этишдаги фаолиятига юқори баҳо берди. Кўргазмада, шунингдек, «Энг яхши рангтасвир асари», «Энг яхши ҳайкалтарошлик асари», «Энг яхши графика асари» ҳамда «Энг яхши амалий санъат асари» йўналишларида танлов ўтказилди. Унда талабаларнинг Муҳаммад Юсуфга бағишланган 100 дан ортиқ ижодий иши намоиш қилинди. Ёш рассомлар шоирнинг руҳий олами, изтироблари, қувончлари ва ижодий қиёфасини ўзига хос бадий талқинда акс эттиришган. Ҳолиблар диплом, сертифи-

кат, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланди. – Муҳаммад Юсуфнинг кўплаб шеърларини ёддан биламан, – дейди «Энг яхши рангтасвир асари» йўналиши ғолиби Дурдона Ерматова. – Бундай тадбирлар биз, ёшларни нафақат шоир ижоди билан яқиндан таништиради, балки Ватанимиз севиниш ва қадрлашни ҳам ўргатади. Тадбир том маънода адабиёт ва шеърят байрамига айланди. Талабалар томонидан шоирнинг машҳур шеърларидан намуналар ўқилди. Ҳаваскор санъаткорлар ижросидаги қуй-қўшиқлар кечага янада файз бағишлади.

Ферузобону БЕРДИЕВА



Ёғзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Рустам қори Турсунов ижросида

«МЕНИ ЭСЛАГИН» ҚЎШИҒИ

Куз япрогин еллар тўкса, мени эслагин, Ҳаёлингга жимлик чўкса, мени эслагин, Қаҳр қилса, қиш қаҳратон, мени эслагин, Раҳм қилса, ёз саратон, мени эслагин, Ҳажрингда зор юрганамни эслагин дилдор, Ҳаётингга кирганимни унутма зинҳор.

Хар бир бола маълум маънода даҳо, ҳар бир даҳо эса маълум маънода боладир. Уларнинг ўхшашлиги соддалик ва юксак самимиятда намоён бўлади.

Артур Шопенгауэр

Санъат

лиш жараёнида, сахнага чиққанларнинг кийимларига кўпроқ эътибор қаратдим. Шунақа дид билан бичилиб, моҳирлик билан тикилибдики, ҳамкасбларим ишидан, ўз соҳамдан фахрланиб ўтирибман. Ҳар бир чиқишни юқори баҳолайман, профессионал даражада ижролар бўлди. Бу болажонларнинг концертларини юртимизнинг катта сахналарида, хусусан, «Халқлар дўстлиги» саройида ҳам уюштириш керак, деб ўйлайман. Шунда халқимиз уларни яқиндан танийди.

МУВАФФАҚИЯТ СИРИ НИМАДА?

Навоий вилоятидан келиб, Тошкент сахнасида меҳмонларни қойил қолдириш, томошабинларга завқ улашиш осон иш эмас. Унинг ортида катта меҳнат ва машаққат ётибди.

Ҳўш, бу муваффақиятнинг сири нимада? Аксарият вилоятларда маданият уйлари ёпилиб, фаолияти тўхтаб қолган бир пайтда Навоийда бадий жамоалар ижоди барқ уриб ривожланаётганининг боиси нимада? Боз устига хайрия концерти ўтказишни ҳамма ҳам уddалай олмайдил!

– Бунинг сири, аввало, комбинат раҳбариятининг болаларни севишида, санъатга меҳри баландлигида, – дейди Навоий шахридаги «Фарҳод» маданият саройи раҳбари Ойбек Раҳматов. – Бир пайтлар одам қадами тегмаган чўллarda ҳозир заводлар қурилган. Масалан, Навоий шахридан 300 километр узоқликдаги Учқудук, Зарафшон шаҳарларини биласиз. Қўшработ туманидаги «Зарми-тан» қонида 1000 метр чуқурликда шахталар очилляпти. Юзлаб-минглаб ишчи-ходимлар бор. Улар учун Маданият уйлари ишламоқда. Умумий олданда республика-мизнинг 5 та шахар ва қўрғонидаги бадий жамоа ва гуруҳларимизда 300 нафар ўстоз-мураббий, ишчи-ходим бор. Улар 3300 нафар ёш ҳаваскорга 124 йўналиш бўйича санъат сирларини ўргатишмоқда.

– ТОМОШАБИНИ ФАҚАТ МЕХНАТ ВА ИЗЛАНИШ ОРҚАЛИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРИШ МУМКИН, – дейди «АЛЛЕГРО» ЭСТРАДА БАДИЙ ЖАМОАСИ РАҲБАРИ АЙДА МОСТАВА. – ИККИТА ГУРУҲИМИЗДА 24 НАФАР БОЛА ШУҒУЛЛАНАДИ. ЭНГ КИЧИК ҚАТНАШЧИЛАРИМИЗ 5, КАТТАЛАРИ 23-24 ЁШДА. УЛАР МУСИҚА МАКТАБЛАРИДА ЎҚИШМАГАН. ЎЗИМИЗ УЛАРНИНГ ЭШИТИШ-ТИНГЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИ УСТИДА ИШЛАЙМИЗ, МУСИҚАНИ ҲИС ҚИЛИШНИ, БИР-БИРИНИ ТУШУНИБ ҲАРАКАТЛАНИШНИ ЎРГАТАМИЗ. БАДИЙ ЧИҚИШ МУКАММАЛ БЎЛИШИ УЧУН ЖАМОАДАГИЛАР ҲАР БИР МУСИҚА АСБОБИНИ БИЛИШИ, УНИ ҲИС ЭТИШНИ ЎРГАНИШИ КЕРАК. МАШҒУЛОТЛАРИМИЗ КУНОРА БЎЛАДИ. АММО МУҲИМ БАЙРАМЛАРДАН ОЛДИН ҲАР КУНИ ШУҒУЛЛАНАМИЗ. ШУ ПАЙТАҒАЧА ТОШКЕНТ, БУХОРО, САМАРҚАНД КАБИ ШАҲАРЛАРДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚўЛГА КИРИТГАНМИЗ.

– Навоий кон-металлургия комбинати нафақат мамлакатимиз иқтисодийнинг таянчи, балки чинакам маданият ва маънавият маскани эканига амин бўлдим, – дейди касаба уюшмалари Федерациясининг Мурожаатлар билан ишлаш шубъаси юристи Наргиза Асадова. – Бугунги концерта навоийлик ёшларнинг шижоатига, истеъдодига ҳавас қилдим. «Қизилқум жавоҳирлари» чинакам замонамиз қаҳрамонлари десам, адашмайман.

Маълумот ўрнида эслатиб ўтиш жоизки, ҳозир Навоий, Зарафшон, Учқудук, Зафаробод, Нуробод ва Заркент шаҳар ҳамда қўрғонларидаги «Фарҳод», «Олтин водий», «Учқудук», «Нуробод», «Кончи» маданият саройлари ҳамда ижод уйларида бадий жамоа ва тўғаракларда «Ширин», «Марварид», «Фаввора», «Сардоба», «Садон», «Фарҳод» ансамбллари, «Ивушка» хор жамоаси, «Нихол» ва «Тарона» ўзбек халқ чолғу оркестрлари, «Шок» эстрада-ракс ансамбли бетақор репертуарлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлишмоқда. Улар анъанавий тарзда Навоий вилоятидаги оммавий, давлат тадбирлари ва байрам дастурларида фаол иштирок этиб келишмоқда.

ИСТЕЪДОД ЭЪТИРОФИ

«Қизилқум жавоҳирлари»нинг чиқиши одатдагидек концерт бўлмади. У сахна ортидаги меҳнат, ўстозларга ҳурмат ва санъатга чексиз муҳаббатнинг ёрқин намоиши эди. Энг муҳими, бу тадбир ҳақиқий қаҳрамонлар минбарларда сўзлаганлар эмас, балки вақтининг ҳар дақиқасини қадрлаб, истеъдоди билан одамларга қувонч улашаётган оддий ёшлар бўлиши ҳам мумкинлигини исботлади. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини эътироф этиш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро, бутун сахнада порлаётган «жавоҳирлар» эртага юртимиз фаҳрига айланиши, шубҳасиз.

ЗЕБО НАМОЗОВА,
Қувончбек Тўраев (фото),
«ISHONCH» мухбирлари



ШОДИЁНА ШУКУҲИ

2 май. Соат 17:30. ...Пойтахтимиздаги муқташам Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи. Бугун шу масканда навоийлик бир гуруҳ ижодкорлар ва ёшлар «Қизилқум жавоҳирлари» номли концерт дастурида чиқиш қилишади. Ҳозир тадбир олдида тейёргарлик қўрилмоқда.

Бир томонда «Шок» гуруҳи жажжи қизчалари бир-бирининг жамалак сочларини тузатади. Гуруҳ раҳбари тавсияларини айтиб, иштирокчиларга нималарнидир ўқтиради. Сахна ортида ҳам қизлар тўп-тўп бўлиб туришибди. Кириш эшиги олдида эса «Садон» гуруҳи халқ терма куйларини чалмоқда. Одамга бирам хуш ёқади, яйраб кетасиз. Худди сарой ичкарасига киришингизга, у ерда бўладиган катта шодиёнага сизни олдиндан руҳан тайёрлаётгандек...

ДОИРАЧИЛАР ОРАСИДАГИ 11 ЁШЛИ АКШАЙ (ЎЗБЕК БОЛАСИ) ВА 17 ЁШЛИ НАСРИДДИННИ КУЗАТАМАН. БЕРИЛИБ ЧАЛИШАДИ, ЎЗЛАРИ ҲАМ ЗАВҚЛАНИШЯПТИ. НАСРИДДИН НАВОИЙДАГИ КОЛЛЕЖДА БИРИНЧИ БОСҚИЧДА ЎҚИРКАН, АКШАЙ ЭСА 4-СИНФ ЎҚУВЧИСИ. УЛАР ЎСТОЗИ БАҲОДИР МАНСУРОВ БОШЧИЛИГИДАГИ «САДО» ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ЖАМОАСИДА ДОИРА ЧАЛИШНИ ЎРГАНАДИ. НАСРИДДИН 70 ГА ЯҚИН, АКШАЙ ЭСА 40 ДАН Ортиқ куйни чала олишини айтди.

«Сизга нима беради доира чалиш?» деган саволимга бири «Ҳиссиёт беради, завқланаман» деса, иккинчиси «Доира чалишни яхши кўраман. Куйларимиз одамларга ёқса, маза қиламан», дейди.

САНЪАТГА ОШНО ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАР

13 йилдирки, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли бадий жамоаларнинг Тошкентга келиб ўз концерт дастурини намоиш этиши анъанага айланган. Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида бўлиб ўтган «Қизилқум жавоҳирлари» концертида иштирок этарканман, ўз иқтидорларини юксак маҳорат ва меҳр-муҳаббат билан намоиш этишга ҳозирлик қўраётган юзлаб ёшларнинг айримлари билан сахна ортида суҳбатлашиб, куйидаги фикрлар қўнғимдан ўтди: бу йигит-қизлар ҳар бир дақиқанинг қадрига етади. Сабаби, мактаб, тўғарак, уйга вазифалар, уй юмушлари – ҳаммасига улғуришлари керак. Бекорчи нарсаларга эса вақтлари йўқ. Айримлари 10 йилдан ошди, баъзилари 7-8 йилдан буён тўғаракларга қатнар экан. Бу оз фурсат эмас. Зеро, мунтазамлик, ўз ишининг усталаридан таълим олиш, ҳақиқий завқ билан ижод сирларини ўрганиш муҳити ёшларни узоқ йиллардан буён ўзлари танлаган санъат йўлида собитқадам қилиб келмоқда.

«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти касаба уюшмалари кенгаши раиси Исроил Раҳматовнинг айтишича, йирик ташкилотнинг Навоий, Жиззах, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятларида корхоналари бўлиб, уларда жами 50 минг нафардан ор-

тиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг мазмунли дам олиши ва спорт билан шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, 140 та бадий жамоада 124 турдаги санъат йўналишида 170 та гуруҳ ва тўғарак фаолият юритмоқда. Уларда комбинатга қарашли корхоналар ходимларининг фарзандларидан ташқари ўша ҳудудда яшаётган аҳоли болалари ҳам бирор санъат турини ихтиёрий ва бепул ўрганмоқдалар.

ТОМОШАБИНЛАРГА МАНЗУР ИЖРОЛАР

Концерт дастури бошланди. Бир-биридан қизиқарли томошалар иштирокчиларга манзур бўлмоқда.


Сахнага хонандалар Шерзод Давронов, Серижан Жаҳнаметов ва Самандар Ҳамидовлар чиқишди. Улар ижро этган «Тошканим – онам» қўшиғига бутун зал жўр бўлди. Хонандаларнинг сахна маданиятига риоя этишлари, ўзларини туттишлари профессионал. Ижролари томошабинларга манзур.

«Нихол» ва «Тарона» оркестрларининг «Янгра соз» му-сиқаси ҳам дутор, доира ва най жўрлигида ижро этилиб, қалбга яқин ва миллий руҳга бойлиги билан дилларга хуш ёқди. Сўнгга «Бахтли болалик» гуруҳи «Эпикнесс», «Зарпарчалар» жамоаси эса «Сурхонча» деб номланган рақсларга тушишди. «Марварид» ва «Жавоҳир» ансамбллари ижросидаги «Шодлик» рақси жўшқинлик ва ёшлик рамзи сифатида намоён бўлган бўлса, ўзбекона миллий либослар сахнага янада кўрк бағишлади. Томошабинлар кайфияти кўтарилди. Кимдир сахнадагиларга қўшилиб тебранса, кимдир муסיқага мос қарсак чалади.

Дарвоқе, саройга келган 700 нафарга яқин меҳмонларнинг бир гуруҳи касаба уюшмалари фахрийлари, турли соҳаларда меҳнат қилган ва ҳозир пенсиядаги кексалар бўлса, яна бир гуруҳи Бекободдаги металлургия ва Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати ишчилари эди. Уларни қузатсангиз, санъатдан завқ олиб ўтирганини, ёшлик дамларини эслаётганини англайсиз.

– УЗОҚ ЙИЛЛАР ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ИШЛАГАНМАН, – дейди 70 ЁШЛИ МАНЗУРАХОН ҒОФУРОВА. – САХНАДАГИ ҲАР БИР ЧИҚИШ ЎЗИГА ХОС, ЁШЛАР ГЎЁКИ ҚАЧНАН ТУРИБДИ. УЛАРДАГИ КАЙФИЯТ БИЗГА ҲАМ ЎТЯПТИ, ЁШИЛИГИМИЗ, ТАЛАБАЛИК ДАВРИМИЗ ЭСГА ТУШЯПТИ. ТАДБИРГА ТАКЛИФ ҚИЛИШГАНИ УЧУН КАСАБА УЮШМАЛАРИДАН МИННАТДОРМАН.

– Тикувчи-дизайнер бўлиб ишлаганман, – дейди тошкентлик Муяссар Солиева. – Ҳозир концертни томоша қи-



Пойтахтимиздаги муқташам Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида бўлиб ўтган

«ҚИЗИЛҚУМ ЖАВОҲИРЛАРИ»

концерт дастури ёритилган видеоконтентларни томоша қилинг:



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Dopriye» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dopriye»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 668-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
To'shkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Salim ABDURAHMONOV

Musahhih:

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti:

22:40
Topshirildi – 23:10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manziliimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 228 ta

Shundan: 6 556 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq. **Buyurtma: 353**